

ЖИНОЯТ ИШИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Баходир Бахриддинович Ахмедов

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси Жиноят-процессуал
ҳуқуқ кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7568207>

Аннотация: Жиноятни тергов қилишни режалаштириш тушунчалари илмий жиҳатдан таҳлил қилинган. Шу билан бирга, режалаштириш институтини такомиллаштиришга оид тавсиялар илгари сурилган.

Калит сўзлар: жиноят иши, режалаштириш, суриштирувчи, терговчи.

Суриштирувчи ва терговчиларнинг жиноятларни тергов қилиш фаолияти мураккаб, серқирра иш бўлиб, чуқур кўп қиррали назарий билимлар, катта касбий ва ҳаётий тажриба ҳамда ташкилотчилик қобилиятини талаб қилади. Суриштирувчи, терговчи терговнинг самарадорлиги ва тўлиқлигини кўп жиҳатдан тергов фаолиятини аниқ ташкил этишига, уларнинг соҳавий ва бошқа хизматлар, жамоат ташкилотлари вакиллари билан ишини мувофиқлаштиришга боғлиқ. Шунинг учун ҳар бир жиноятни муваффақиятли тергов қилишнинг шартларидан бири бу режалаштиришдир. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 37-моддасида “Тергов бошқармаси, бўлими, бўлинмаси, гуруҳининг бошлиғи ва унинг ўринбосари ўз ваколатлари доирасида жиноятларни очиш ва уларнинг олдини олиш юзасидан терговчиларнинг ўз вақтида ҳаракат қилишини назорат этишлиги, жиноят ишлари бўйича дастлабки терговни тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона олиб бориш чораларини кўришлиги қайд этилган.

Жиноят ишини тергов қилишни режалаштириш терговни энг мақсадга мувофиқ ва мақсадли ташкил этишга имкон беради, воқеа содир бўлган ҳақиқий ҳолатларни аниқлашда тезкорлик, ҳолислик, тўлиқлик ва ҳар томонламалик муҳим аҳамиятга эга бу эса, жиноят содир этган шахсни қидириш ва жиноятни иссиқ издан фош қилишга ёрдам беради. Жиноят ишини тергов қилишни режалаштиришда терговчи бўлажак ҳаракатларни ўйлаб топади, қандай усул ва воситалар ёрдамида далилларни тўғри тўплаш, тадқиқ қилиш ва баҳолашни таъминлаш мумкинлиги ҳақида қарор қабул қилади.

Жиноят ишини тергов қилишни режалаштирмаслик терговчининг ҳаракатлари кетма-кетлигининг бузилишига, такрорий ҳолатларга йўл қўйилишига, жиноят ишини тергов қилишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларининг ўтказиб юборилишига олиб келади. Жиноят ишини тергов қилишни режалаштирмаслик ишни самарали олиб боришга тўсқинлик қилади. Режалаштириш, энг аввало, олдиндан ўйлаш қобилиятини англатади ва ҳар бир субъект фаолиятида тизимлиликни назарда тутди. Режалаштириш бошқарув объектини ҳам, субъектини ҳам тизимнинг ривожланиш истиқболларини ва келажакдаги ҳолатини биргаликда белгилайди. Тизимга таъсир қилишнинг фаол бошқарув жараёни бўлиб, у ташкилотнинг ривожланиш суръатларини оширади, қўшимча захираларни, моддий манбаларни топишга ёрдам беради, ташкилотнинг бутун тизимига таъсир кўрсатишнинг илғор усуллари ва шаклларида фойдаланишни талаб қилади. Жиноятларни тергов қилишни режалаштириш ишни тенг тақсимлашни, келгусида жиноятларни иссиқ издан фош

этишликни, мақбул ашёвий далилларни йўқолиб кетишлигини олдини олишга хизмат қилади.

Жиноятни тергов қилишни режалаштириш бошқа хизмат, бўлинмалари ва алоҳида ходимларининг ишчанлик фаолиятини ошишига бошқа органнинг таркибий бўлинмаларининг кундалик фаолияти ўртасида аниқ ўзаро алоқани ташкил этишга имкон беради, барча ижрочиларнинг топширилган иш учун масъулиятини оширади, шунингдек белгиланган вазифаларни бажариш учун орган фаолиятини назорат қилиш ва баҳолашни ташкил этишга ёрдам беради.

Терговни режалаштириш - бу тергов гуруҳларини тузиш ва тергов йўналишларини аниқлаш, улардан келиб чиқадиган вазифалар асосида тергов ҳаракатлари ёки тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш вақти, жойи, муддатлари ва кетма-кетлиги доирасини аниқлашдан иборат фаолиятдир. Режалаштириш, энг аввало, олдиндан ўйлаш қобилиятини англатади ва ҳар бир субъект фаолиятида тизимлиликни назарда тутаяди. Режалаштириш жиноят ишини тергов қилишни тизимли ривожланиш истиқболларини ва келажакдаги ҳолатини биргаликда белгилайди.

Режалаштириш жиноят ишини тергов қилишнинг фаол бошқарув жараёни бўлиб, у иш самарадорлигини ривожланиш суръатларини оширади, иш самарадорлигини бутун тизимига таъсир кўрсатишнинг илғор усуллари ва шаклларида фойдаланишни талаб қилади. Жиноят тергов қилишни режалаштириш ишни тенг тақсимлашни таъминлаб, терговчининг кундалик фаолиятида аниқ вазифаларни амалга оширишликни ташкил этишга имкон беради. Жиноят ишларини тергов қилишда иштирок этадиган бошқа органларнинг мансабдор шахсларига берилган топшириқларни бажаришда масъулиятини оширади. Шунингдек бошқа органларга берилган вазифаларни бажаришни назорат қилиш ва баҳолашни ташкил этишга ёрдам беради. Жиноятни тергов қилишни режалаштириш терговнинг тўлиқлиги ва тезкорлигини таъминлашга қаратилган бўлиб, унинг барча босқичларида, тергов қилинаётган жиноятнинг вазифалари бўйича тўпланган фактик маълумотлардан ва аниқ тергов ҳолатидан келиб чиқадиган хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Жиноят ишини тергов қилишни режалаштириш қуйидагиларга боғлиқ. -ҳозирги вақтда мавжуд бўлган барча маълумотлар ҳажмини таҳлил қилиш ва таққослаш:

- тезкор-қидирув фаолияти натижасида олинган маълумотлар;
- терговдан олдинги текшириш материаллари;
- ўхшаш типик вазиятлар ва қонуниятлар;

Жиноят ишларини тергов қилаётган суриштирувчи ва терговчи жиноят ишлари доирасида айбланувчи (гумон қилинувчи) иш бўйича аниқлашга унинг эҳтимолий ёки ҳақиқий қаршилиқ даражаси ва шакллари ҳисобга олиши керак. Мазкур ҳолатни натижаси ҳозирги тергов ҳолатига, яъни терговнинг асосий йўналишларини ва мазмунини белгиловчи энг муҳим, асосий фактлар ва ҳолатларга қисқача баҳо бериш шаклида шакллантириш керак бўлади. Кўриниб турибдики, масалан жабрланувчининг шахси маълум бўлган ва аниқланмаган турли тергов ҳолатларида тергов режалари сезиларли даражада фарқланади; гумон қилинувчи (айбланувчи) мавжуд бўлганида ва

у номаълум бўлганида; гумон қилинувчи (айбланувчи) айбига иқдор бўлганида ва у асослантирилган қарама-қарши фикр билдирганида ва ҳақоза.

Келгусида тергов ҳолати доимий равишда таҳлил қилиниб, унинг ўзгаришига қараб, режага тузатишлар киритилади. Режалаштиришнинг муҳим босқичларидан бири бу жиноят ишининг дастлабки маълумотларга асосланган тумолларни шакллантиришдир. Тусмоллар умумий бўлиши мумкин, яъни текширилаётган ҳодиса тўғрисидаги умумий тахминлар ва шахсий, яъни ушбу ҳодисанинг субъектлари ва индивидуал ҳолатлари ҳақидаги тахминлар. Аниқ бўлмаган ҳолларда, ушбу тоифадаги ҳолларда илгари сурилган тусмоллар кўриб чиқилади. Шунинг эса тутиш керакки, ҳар қандай тусмоллар асосли бўлиши ва фақат ҳақиқий манба маълумотларига асосланган бўлиши керак.

Олдинга қуйилган тусмоллар синчиковлик билан таҳлил қилиниши ва улардан мантиқий равишда ушбу тахминдан келиб чиқадиган барча мумкин бўлган оқибатларни (ҳолатлар, ҳодисалар, фактлар) илгари суриши керак. Кутилаётган оқибатлар уларни текшириш учун амалий чора-тадбирларни режалаштириш учун ишлатилади. Масалан, маълум бир шахс томонидан жиноят содир этилишининг шахсий тусмолдан, ҳеч бўлмаганда бу шахс маълум бир вақтда маълум бир жойда бўлганлиги, жиноят содир этиши мотиви ва воситаларига эга бўлганлиги, унинг излари сақланиб қолиши мумкинлиги кўринади. Жумладан, ушбу оқибатларни текшириш учун қуйидагиларни режалаштириш зарур:

-гумон қилинувчининг шахсиятини ва турмуш тарзини ўрганиш.

-белгиланган вақтда жиноят содир бўлган жойда бўлиши мумкинми ёки йўқлигини текшириш.

-жиноят содир этилиши учун воситалари бор-йўқлиги ўрганиш.

-гумон қилинувчини кийимларида, уйда жиноят излари ва ашёлар сақланиб турганлиги ёки йўқлигини ўрганиш.

Жиноят ишларини тергов қилишни режалаштириш қонуний амалий мақсадга мувофиқлиги ва режалаштирилган тадбирларнинг ҳам процессуал, ҳам тактик мақсадга мувофиқлиги белгиланадиган кетма-кетликда амалга оширилиши билан баҳоланиши керак. Белгиланган амалиётдан келиб чиқиб, қуйидаги ҳаракатлар устувор тартибда амалга оширилади:

-жиноят содир этган шахсни аниқлаш ва ушлаш.

-жиноят изларини аниқлаш ва мустаҳкамлаш.

-йўқ қилиниши, йўқолиши ёки ўзгартирилиши мумкин бўлган далилларни аниқлаш.

-ўзоқ вақт талаб қилиши мумкин бўлган экспертиза ва бошқа тадбирлар учун маълумотларни тўплаш.

Жиноят ишини тергов қилишни режалаштириш юзасидан бир қанча олимлар ўз фикрлар ва мулоҳазаларини билдирган, жумладан Л. Я. Драпкин ва В.Н.Карогадинлар терговни режалаштириш терговчи ишининг ташкилий-ижодий томони бўлиб, тергов бошланишидан бошлаб, унинг тугатилишигача давом этишини таъкидлайдилар. Ушбу фикрни инкор этмаган ҳолда қуйидагича фикрни илгари суриш мумкин. Жиноят ишини тергов қилишни режалаштириш жиноят иши қўзғатилган вақтдан бошлаб, жиноят ишини қонуний муддатларда сифатли тергов қилиш учун зарур бўлган тергов

ҳаракатлари ва тезкор-қидирув таъдбирларини ўтказиш ва бошқа органлар билан ҳамкорликни тўғри ташкил этиш ҳамда жиноят ишларини тамомлашгача бўлган даврни ўз ичига қамрам олишлигидир.

Хулоса қилиб айтганимизда, жиноят ишини тергов қилишни режалаштириш содир этилган жиноятларни иссиқ изидан фош қилиш, жиноят содир этган шахсларни ўз вақтида ушлаш, иш учун аҳамиятли бўлган ашёвий далилларни йўқ бўлиб кетишлигини олдини олиш ҳамда терговни ҳар томонлама холисона тергов қилинишига, жиноят ишларини қонуний муддатларда тамомланишига хизмат қилади.

References: